

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОЎЛИЎНИ САЎЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Таърир қайрати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Парацетамол ва чучукмия «уру» экстракти сақловчи таблеткани сақланиш шароитини ўрганиш

О.М.Эрназаров, Х.К. Жалилов

Тошкент фармацевтика институти

Ўзбекистон Республикаси Соғлиғини сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: «озирги кунда тайёр дориларни ташиш ва сақлаш дори турларига ўйиладиган асосий талаблардан биридир. Тайёр дориларга ташқи омиллар таъсири дори препаратининг турли шаклларида таъсир этади. Ишнинг мақсади ташқи муҳит таъсирини олдини олиш ҳамда турли шакллари ва яроқлилигини муддатини узайтириш.

Усуллар: парацетамол ва чучукмия «уру» экстракти сақловчи таблеткаларни 5 та серияда тайёрлаб олинди. Олинган таблеткаларни сифат кўрсаткичлари ўрганилиб, уларни тўрт хил шаклда сақлаш идишларга жойлаб адабиётларда келтирилган усулларда сақланиш шароити ўрганилди.

Натижалар: тайёрлаб олинган таблеткалар учун (контр ячейкали, ПВХ-пленкали идиш, рангли ва рангсиз шиша идиш, пластмасса идиш) Контр ячейкали поливинил хлоридли пленка алюмин фольга билан опланган шаклда ва танлаб олинган идишларга таблеткалар жойлаб уларни оддий шароитда ва тезлаштирилган эскиртириш усулда И-42-2-82 сон вақтинчалик йўриқнома асосида тажрибалар амалга оширилди. Тезлаштирилган эскиртириш усулида 30°Сда ҳар 23 кунда таблеткаларга сифат кўрсаткичлари олиб борилди. Бунда таблетка ташқи кўриниши, синишга ва ишқаланишга бўлган мустахкамлиги, парчаланиши, диаметрини баландлигига нисбати, эрувчанлик каби кўрсаткичлар ўрганилди. Олинган натижаларга кўра таблетка ранги ўзгармади, синишга бўлган мустахкамлик-80 Н, ишқаланишга бўлган мустахкамлик - 98,75% ни, парчаланиш 15 дақиқани, диаметрини баландлигига нисбати 36,55% ни, эрувчанлик - 98,90% ни ташкил этганлиги тажрибаларда амалга оширилди. Таблеткаларнинг сифат кўрсаткичлари фармакопеея мақолалари талабига мос келиши, оддий шароитда ҳар 6 ойда олинган натижаларга кўра таблетка ранги ўзгармади, синишга бўлган мустахкамлик- 75 Н, ишқаланишга бўлган мустахкамлик - 98,65% ни, парчаланиш 12 дақиқани, диаметрини баландлигига нисбати 36,45 % ни, эрувчанлик - 98,95% ни ташкил этганлиги тажрибалар асосида амалга оширилди. Оддий шароитни ҳар 6 ойда тезлаштирилган усулда эса бунга мос келувчи ҳар 23 кун давомида таблеткаларга сифат кўрсаткичлари олиб борилди.

Хулосалар: танлаб олинган парацетамол ва чучукмия «уру» экстракти сақловчи таблеткаларни яроқлилиги ва сақланиш муддатини ҳар хил шаклда турларида олиб борилди ва сақланиш муддати 2 йил деб белгиланди. Ҳозирги вақтда тажрибалар давом этмоқда.